

## Меҳнат бозори

**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнга нисбатан 0,8 фоизга кўпайиб, 1071,8 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,8 фоизини ташкил қилди.

Вилоятда иш билан банд бўлганлар сони 824,0 минг кишини ташкил этди ва бу ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2017 йилда ўтган йилга нисбатан ўзгармаган бўлиб 82,1 фоизни ташкил қилди.

2017 йилнинг январь-июнида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 7,6 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2016 йил январь-июнга нисбатан 2,2 минг кишига ёки 22,4 фоизга камайди. Меҳнат бўлимларига иш қидириб мурожаат этганлар даражаси Бухоро шаҳрида (вилоят бўйича иш қидириб мурожаат этганлар умумий сонининг 15,8 фоизи), Когон шаҳрида (10,2 фоизи), Қоракўл (9,7 фоизи), Шофиркон (10,6 фоизи), Ғиждувон (9,4 фоизи) туманларида юқори бўлди.


Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 7,0 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 92,1 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига 95,9 фоизни ташкил қилган.

2017 йил июнь ойининг охирида иш қидириш учун вилоят меҳнат бўлимларида ҳисобда турган аҳоли сони 371 кишини ташкил қилди. (2016 йил июнь ойининг охирида 231 киши бўлган.)

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Ғиждувон туманига (49 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 13,2 фоизи), Олот туманига (40 киши, жами рўйхатда турганларнинг 10,8 фоизи), Шофиркон туманига (42 киши 11,3 фоизи) ва Бухоро шаҳрига (58 киши, жами рўйхатда турганларнинг 15,6 фоизи), Когон шаҳрига (36 киши, жами руйхатда турганларнинг 9,7 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



Меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган иш билан банд бўлмаган фуқаролар умумий сонидан шу йилнинг июнь ойи охирига 145 киши ишсиз, деб эътироф этилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2017 йил январь-июнь ойида хизматлар соҳаси ва сервисни ривожлантириш мақсадли комплекс Дастурларини амалга ошириш доирасида, вилоят бўйича 24,9 минг иш жойлари ташкил қилинган.

Вилоят бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 62,6 фоизи (15,6 мингта иш жойи) қишлоқ жойларга тўғри келади.